

Абдуқаюм Йўлдош

ЮЛДУЗНИНГ ЙЎЛИ

Кисса

“Yoshlik” журнали
2008

* * *

— ...Мен хали машхур артист бўлиб кетаман! Юлдуз бўлиб кетаман!

Ха, у худди шундай деди. Гўё икки карра икки тўртлиги канчалар хакикат бўлса, унинг машхур хонандага айланиши ҳам худди шундай исбот талаб қилмайдиган аксиомадек.

Талаба йигитлардан бир-иккитаси истехзо билан кулиб қўйишди, толиба кизлардан уч-тўрттаси лаб буришди. Семиз Комила эса пичинг қилишдан ўзини тийиб туролмади:

— Вой ўлиб қоламан... — Сўнг нафрат билан қўшиб қўйди: — Жинкарча!

Вахоланки, келажак манзарасини айтаётган махал йигирма ёшлардаги котма йигитнинг қирпи сочларими, қирра бурними, шахд билан қимтилган юпка лабларими, қорачикларида ёнаётган лахча чўғми — нимасидир парвозга шайланаётган лочинни эслатарди.

Афтидан, йигит кўп бор давраларда ўзининг бу даъвосини айтган ва мазахларга, ошкора беписанд муносабатларга хўб дуч келавериб ё ўрганиб қолган, ё териси қаттиклашган, шекилли, Комиланинг ҳақоратини қулоқлари тагидан ўтказиб юборди-да, ҳеч нарса бўлмагандай яна торини қўлга олди ва берилиб шўх бир мусикани чала кетди.

Мусика шўх эди, қўшиқ ҳам шунга яраша бўлди. Аммо...

Аммо давра бошқача эди.

Шахарнинг хадисини олиб улгуришган талабалар аллақачон “замонавий” қўшиқларга ўтиб олишган эди. Қизлар DVD дискини қўйишиб, экранда Бьянка деганининг кўкрак ўйинларини мириқиб томоша қилишни хуш кўришарди. Йигитлар эса “ВиаГРА” деган ансамблнинг ярим яланғоч жувонларининг думба ўйинларига ишқибоз. Яна қанчадан-қанча одамнинг хаттоки тили келишмайдиган рэп-пэплару, поп-хоплар уларнинг хизматида эди. Бу издиҳомда эса йигирма ёшлардаги йигитчанинг тор тинғирлатиб, биттагина доира жўрлигида қўшиқ айтаётгани давра иштирокчиларига эриш туюлаётганди.

Бунинг устига... давра аллақачон “қизиқ” улгурганди. Майи нобдан нўш этиб олган талабалар энди-энди ракс тушишни, айримлари эса ракс бахона бир-бирларининг пинжиларига кириб, қон кўпчиган баданларини бир-бирларига ишқашни ҳам ўринлатишган эди. Шундай махал қайдандир пайдо бўлиб қолган хофизнинг чираниб, бўйин томирлари ўқлоғдай бўртган холда “жонли” қўшиқ ижро этиши эхтирослари жўшиб, кўзлари лаззатдан юмила бошлаган меҳмонларнинг устидан совуқ сув қуйиб юборгандай ёқимсиз таъсир кўрсатган эди.

Ва нихоят хофизнинг давра томонидан ошкора тарзда совуқкина ва хаттоки душманлик кайфияти билан кутиб олинишининг учинчи сабаби шунда эдики, туғилган